



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 42 (816)
2022 йил
27 октябрь,
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



БОЗОРГА ЧИҚМАНГ, ОНАЖОН!

— Ҳа, сени нима бало урди? — Гулнорага пешвоз юрди Мукаррам Азизовна, — Бозорда мева-чева сотиш чарчатиб қўйдими? Бу гап қизга қаттиқ ботган бўлса-да, оғиз очмади. — Ёки онангинг ёнида савдо қилиб, пулинг кўпайиб қолдими? — давом этди синф раҳбари. — Гапир, дарсга нега кечикканлигингни билиб қўяйлик?!



ЧИРЧИҚЛИКЛАРНИНГ ДОВРУҚЛИ ИБРАТИ

Чирчиқ шаҳрида қўшиғига ёдгорлик қўйилганини эшитган Расул оға мисоли қанот боғлаб Ўзбекистонга учиб келади ва биринчи навбатда ёдгорликни зиёрат қилишга ошиқади. (Умуман олганда, Расул оға Ўзбекистонга келганда, албатта, “Турналар” ёдгорлиги зиёратига борарди). Шоир ёдгорликни кўргач, ҳайратланиб ҳамроҳларига баралла: “Кўшиққа маданиятли ва санъатсевар халқгина ҳайкал қўяди. Ўзбек халқи ана шундай маданиятли ва санъатсевар халқ”, дейди. Расул оға бу сўзларини нуфузли давраларда ва катта анжуманларда ҳам кўп бор ҳаяжон билан такрорлайди.



ҚУРБОН ЭШМАТ КИМ ЭДИ?

ёхуд “одамийлик қонуни”нинг асосчиси, таниқли журналист, “Жасорат” медали соҳиби ҳақида сўз



АЗОН НИМА УЧУН АЙТИЛАДИ

ёхуд кучли лидерларгина инсон ҳуқуқларини таъминлайди

Мавзуномини ҳам, унинг матнини ҳам шундай бошлаш керакки, токи, матнни ўқийётган киши сиз айтмоқчи бўлган фикрларни ўз тафаккури билан ўлчаб кўрсин, ўқувчи мушоҳадага кириши олсин, фикрлар тўқнашсин ёки мулоҳазалар қоришиб, ягона мотивация ҳосил бўлсин.


Шундагина фикрга эътибор номигагина, юзаки, қараб ўтиш бўлиб қолмай, юракларга кириб боради, муҳокама бўлади. Бу эса жамиятга дахлдорлик ҳиссини оширади, фикрлар, ғоялар, қарашлар хилма-хиллиги, шахсий позициялар тўқнашуви – албатта ушбу жараёндан фақат ва фақат наф беради, пировардда эса жамиятга фойдадир.

Шу асосда фикримизни аввало, жамиятни англаб олиш лозимда, деб бошлаймиз.

Жамият – кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мажмуи бўлиб, у тарихий тараққиёт ижтимоий муносабатларининг маҳсулидир. Жамиятда бошқарув ва кишилар хулқ-атворини умумий ва маълум қонун-қоидалар тартибга солиб туради.

Қонун-қоидалар эса, инсон ҳуқуқлари, шаъни кадр-кимматига хизмат қилиши, яъни, эътиқодга хос бўлган азиз инсоннинг эътиқодига дахл қилмаслиги, унинг эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги, яшаш, ишлаш, эркин сўз ва фикр юритиш, жамиятда ўзи яшаётган давлатдан у ёки бу кўмакни олиш ҳуқуқи, бир сўз билан айтганда, ушбу қонун-қоидалар – инсон кадри учун яратилиб, унга хизмат қилиши ҳам керакда...

(Давоми 3-саҳифада)



ПАҲЛАВОНЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

Ўзбек кураши дунёда ҳеч бир спорт туридан қолшмайди. Кураш ҳақида “Алтомиш” достонида ҳам кўп айтилганлиги, Алтомиш ва тўқсон алпинг кураш тушиши, бу том маънода ўзбек халқининг гурури баланд, мард, энгилмас ва иродали эканлигини кўрсатади. Хусусан, “Алтомиш” достонида “Бойсарибек билан Бойбўрибек фарзандларига тоза кийимларни кийдириб, домланинг қўлига топширди. Ҳақимбек илмлар билан чегараланиб қолмас, камон отиши, найза санчиши, кураш тушиши амалларини донги кетган устозлардан ўрганди” дейилади.

Кўриниб турибдики, халқимизда қадимдан шахс тарбиясида илм олиш билан бирга, камон отиш, найза санчиш, айникса, кураш каби спорт ўйинлари таълим-тарбия сифатида сингдириб келинган. Айтиш мумкинки, қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек кураши – мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди. Халқаро спорт тури талабларига жавоб берадиган андозалар жорий этилди. Беллашув яқтаклари, кураш майдони, ёши ва вазн тоифаси, беллашув вақти, баҳолаш ва бошқа қоидалар илмий асосланган ҳолда амалиётга татбиқ қилинди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида Кураш бўйича миллий ва халқаро мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Жаҳон ареналарида “ҳалол”, “ён-бош”, “чала”, “дакки”, “танбех” каби миллий атамаларимиз янграй бошлади.

(Давоми 4-саҳифада)



Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва уларга канализация хизматларини кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига олиб чиқилди. Бу борада том маънода мисли кўрилмаган лойиҳалар амалга оширилди. Натижада, 2021 йил якуни билан 1,5 млн. аҳоли илк бор ичимлик сув билан таъминланди ҳамда марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 69,7 фоизга етказилди.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИДА ЯНГИ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНАДИ

Ичимлик сув таъминоти бўйича “Кўнғирот-Мўйнок”, “Оқсув-Дехқонобод” ҳамда “Зарафшон-Жиззах” лойиҳалари мамлакат миқёсида бу борада амалга оширилган йирик лойиҳалардан ҳисобланади. Бугунги кунда соҳада аср қурилиши деб эътироф этиш мумкин бўлган Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган “Тўполан” сув омборидан магистрал қувур ётқизиш” лойиҳаси ишга туширилиши билан воҳанинг 2 млн. дан ортиқ аҳолисининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Айтиш жоиз, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларида ҳам ушбу масалага устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, 34-мақсадида республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш вазифалари белгиланган. Шунингдек, ичимлик суви таъминотида ва оқова сув хизматларини кўрсатишда кадрлар сиёсати ҳамда соҳада фаолиятни бошқаришнинг замонавий ахборот коммуникацион технологияларни жорий этиш тадбирларини амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Бугунги глобал ривожланиш даврида ичимлик суви манбалари бўлган ер усти ва ости сув захираларини муҳофаза қилиш асосий экологик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда дарёлар ва ерости сувларини асраш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда 8 мингта сув қудуғидан 1 минг 500 таси яроқсиз ҳолатга келган. Оқибатда қарийб 800 та маҳалладаги 2 миллион аҳолининг сув таъминоти ёмонлашган. Зомин, Нурота ва Қўшработ конларида қудуқлар қазилди, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари ўзанидан қум-шағал олиш назоратсиз, пала-партиш бўлгани сабабли бу ҳудудларда ерости чучук сувлари захиралари 30 метргача пасайган.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатда соҳанинг ҳуқуқий асослари бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Лекин, амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳамда қа-

тор нормалар ҳавола хусусиятга эга эканлиги, соҳани тизимли тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмаганлиги боис мамлакатимизда соҳа фаолияти ривожланган давлатлар даражасидан паст кўрсаткичларда қолмоқда.

Шу сабабли бугун соҳанинг кескин ривож учун ҳуқуқий асос бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва мазкур қонун жорий йилнинг 22 октябрдан кучга кирди.

Эътироф этиш жоиз, қонунда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматлари соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, ваколатли давлат органларининг ваколат доиралари, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Соҳани кескин ривожлантиришда бозор механизмига, хусусан хусусий, давлат-хусусий шерикликни жорий этишга йўналтирилган ҳуқуқий асослар ҳамда ичимлик суви ташийдиган транспорт воситаларига аҳолига етказиб бериладиган ичимлик суви нархини сунъий равишда кўтарилиб кетишининг олдини олувчи нормалар киритилган.

Бугунги кунда сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомнинг сустиги оқибатида қувурларда носозликлар вужудга келаётганлиги ҳамда истеъмолчилар томонидан уларга ноқонуний уланиш ҳолатлари кўпга кузатилаётганлиги сабабли қонунда соҳада хизмат кўрсатиш ва хизматдан фойдаланиш борасида интизомни тартибга солувчи, бу борада ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳуқуқий нормалар белгиланган.

Қонунда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, хусусан истеъмолчиларга асоссиз ҳисобланганлиги учун сув таъминоти ташкилотларига нисбатан тегишли молиявий чораларни кучайтириш ҳамда сифатсиз сув таъминоти натижасида жисмоний шахсларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш механизмини очиб берувчи нормалар ўз аксини топган.

Соҳада техник жиҳатдан тартибга солиш механизмларини жорий этишда фуқароларга соддаштилган механизмлар қўлланилган. Шунингдек, мустақиллик принципини таъминлаш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақ-

садида соҳадаги ваколатли органлар ва руҳсат бериш тартиб-тамоиллари борасидаги нормалар алоҳида инобатга олинган. Демократик тамойиллар асосида соҳадаги хизматлар учун тарифларни белгилаш вакиллик органларига берилмоқда. Уларга тариф сиёсатини жамоатчилик назорати тартибидан бошқариш ва ривожлантиришга кенг имкониятлар берилган.

Қонунда ваколатли давлат органлари томонидан сув таъминоти ташкилотлари, соҳадаги тадбиркорлик субъектлари устидан тўлиқ ва объектив маълумотларга тизимли равишда эга бўлиш ҳамда назорат тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Шунингдек, қонунда соҳага оид мақсадли давлат субсидияларини жорий этиш, соҳада давлат ижтимоий буюртмаларини амалга оширишда узоқ ҳудудларда жойлашган кичик овул ва қишлоқларни қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ичимлик сувини тайёрлаш қурилмаларини жорий этишни қўллаб-қувватловчи нормалар билан бойитилган.

Янги ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши ва амалиётга кенг татбиқ этилиши мамлакатимизда ичимлик суви таъминоти соҳасидаги янги хизматлар бозорини ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятини ваколатли давлат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган текширишларни фақат қонун доирасида ўтказишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугун кучга кирган ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш соҳасининг ҳуқуқий асоси келгусида мамлакатимиз аҳолисининг хавфсиз ичимлик сув таъминотини кафолатлашга замин яратади.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутати,

Элёр МЎМИНОВ,

Тошкент Архитектура ва
қурилиш институти магистранти

ОНА ТИЛИМИЗ ЖОЗИБАСИ

Ҳар қандай соғлом, ўзини ҳурмат қилган одамда ўз она тилига муносабат юқори бўлиши керак, деб ўйлайман. Инсонда она-Ватан, ота-она ва миллий тил иккитадан бўлиши мумкин эмас.

Тўғри, одам бошқа тилларда ҳам эркин ва муфассал сўзлаша олиши, хорижий тилдаги китобларни ўқиб завқ олиши табиий ҳол. Лекин, ҳар бир камолга етган инсон учун унинг ўзлигини англаши фақат она тили орқали кечади. Ҳар қандай ор-номус ва пок виждонга эга бўлган ҳазрати инсон ўз она тили турганида бошқа бир тилга расмий макомни беришни сўраб юрмайди.

Ўзбек тили кеча пайдо бўлган тил эмас. Ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар туркумига киради. Бу тил туркий тиллар ичида марказий ўринни эгаллайди. Ўз даврида Ҳазрат Алишер Навоий ўзбек тилининг бошқа туркийларда бўлмаган сифатларини очиб берди ва бу тилни ниҳоятда бой ва жозибадор эканлигини ўз ижоди билан исботлаб



берди, ўзбек тилини форсий-тожик тилларидан ҳеч қандай кам жиҳатлари йўқ эканлигини турли далиллар билан исботлади.

Бугунги ёш авлодга тилимизнинг қадимий эканлигини мана шундай мисоллар билан тушунтириб бор-

Тадбир

сак, улар қалбида ватанга бўлган муҳаббат шаклланади. Куни кеча тил байрами муносабати билан ўтказилган тадбирда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Мактаб ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган чиқишларда она тилимизнинг жозибадорлигини акс эттирувчи ғазаллар, шеърлар ўқилди.

Камола ВОҲИДОВА,
Янгийўл туманидаги 1-сонли
касб-ҳунар мактабининг она тили
ва адабиёт фани ўқитувчиси

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Шу учун ҳам давлат – жамият сиёсий тизимнинг асосий субъекти сифатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

Демакки, давлат сиёсати жамиятда мустаҳкам ва инсонпарвар бўлган қонун-қоидаларни, ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишга, уни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши лозим. Шундай экан, давлатнинг нуфузи инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳуқуққа келадиган бўлса, бу – давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ҳуқуқ ўзида эркинлик, тенглик ва адолатни ифодалайди.

Бир сўз билан айтганда, давлат бор жойда ҳуқуқ бўлади, давлатга ҳокимиятни ҳуқуқ беради, ўз навбатида ҳуқуқни эса халқ берган ваколатга таяниб, давлат ҳокимияти таъминлайди.

Давлат ҳокимиятини эса давлат раҳбари, яъни, шу давлатнинг лидери амалга оширади.

Мисол учун, мана, тўрт йилдирки, масжидларда азон овоз кўтаргич орқали айтилмоқда ва албатта бу узоқ масофаларга эшитилади. Овоз масжид деворлари орасида қолиб кетмайди...

Ҳис этаётганингиздек, инсон кадрининг эрк-ҳуқуқлари улугланаётган давлатда тонг-сахарнинг ҳам файзи бўлади...

Энди эса, мавзу номидан келиб чиқиб, муддаони ёритиш мақсадида янги даврда юртимизда инсон ҳақ-ҳуқуқ ва экинликларини таъминлаш ҳолатини қисқача таҳлил этиб, бу борадаги амалда олиб борилган ислохотларни бир эслаб ўтаемиз.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 октябрдаги тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, шу кундан бошлаб илк бор «Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузатиш йўлига қатъий ўтган шахслар» ҳам афв этиладиган бўлди.

Айни шу тақдимнома ва қарор кейинчалик «қора рўйхат» балосига чек қўйди. «Қора рўйхат» тугатилди, минглаб юртдошларимиз рўйхатдан ўчирилди. Сиёсий маҳбуслар озод этилди. Диний бағрикенглик ҳуқуқи таъминланди.

Демакки, адашган фарзандларига юртимиз оталик меҳрини кўрсатди, уларни кечирди ва шу орқали ўзига дўст тутди.

Илло, асосий Қонунимизнинг 31-моддаси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда белгиланган инсон ҳуқуқи тўла рўёбга чиқа бошлади.

Давлат лидери БМТда «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси ҳамда «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси»ни қабул қилиш ташаббусини илгари суриб, буни рўёбга чиқаришга эришгани, бу – юртимизда давлат сиёсатида инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини англатади.

Президентнинг 2016 йилдаги фармони асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамок тарикасидаги жиноий жазо тугатилди.

Жиноятни содир этишда гумон қи-

линган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди.

Қамокқа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Судларга қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда, муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти ислоҳ этилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш тизими тамомла янгиланди, бу тизим демократлашди, давлат органлари ва мансабдорлар халққа яқинлашди.

2016 йил 28 декабрда жисмоний ва



АЗОН НИМА УЧУН АЙТИЛАДИ
ёхуд кучли лидерларгина инсон ҳуқуқларини таъминлайди

юримизда инсон ҳақ-ҳуқуқ ва экинликларини таъминлаш ҳолатини қисқача таҳлил этиб, бу борадаги амалда олиб борилган ислохотларни бир эслаб ўтаемиз.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 октябрдаги тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, шу кундан бошлаб илк бор «Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузатиш йўлига қатъий ўтган шахслар» ҳам афв этиладиган бўлди.

Айни шу тақдимнома ва қарор кейинчалик «қора рўйхат» балосига чек қўйди. «Қора рўйхат» тугатилди, минглаб юртдошларимиз рўйхатдан ўчирилди. Сиёсий маҳбуслар озод этилди. Диний бағрикенглик ҳуқуқи таъминланди.

Демакки, адашган фарзандларига юртимиз оталик меҳрини кўрсатди, уларни кечирди ва шу орқали ўзига дўст тутди.

Илло, асосий Қонунимизнинг 31-моддаси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда белгиланган инсон ҳуқуқи тўла рўёбга чиқа бошлади.

Давлат лидери БМТда «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси ҳамда «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси»ни қабул қилиш ташаббусини илгари суриб, буни рўёбга чиқаришга эришгани, бу – юртимизда давлат сиёсатида инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини англатади.

Президентнинг 2016 йилдаги фармони асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамок тарикасидаги жиноий жазо тугатилди.

Жиноятни содир этишда гумон қи-

ли жазо чоралари қўлланилмоқда. Фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ паспорт тизим ислоҳ этилди.

Хусусан, Конституцияда белгиланган Ўзбекистон Республикаси Фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи тамойилларига риоя этилган ҳолда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатда туришга чеклов, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилиниши бекор қилинди, Ўзбекистонда прописка тизими, шубҳасиз, босқичма-босқич барҳам топди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасига кириб чиқиш ҳуқуқи, виза тартиботлари соддалаштирилди. Бу соҳада ҳам Конституцион тамойил амалда таъминланмоқда.

Судларда ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш, процессуал



конунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видео ёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди.

«Зулум масанига» деб таърифланган «Жаслик» колонияси ёпилди, Термиз шаҳридаги халқ тилида «дайдиҳона», «подвал» деб номланган масканлар, Қашқадарёдаги «шайхали», Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятидаги ҳамда Тошкент шаҳридаги Тоштурмада бўлган «овулар»даги қийноқларга батамом барҳам берилди.

Қийноқларга қарши давлатнинг яхлит тузилмасини ташкил этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – Омбудсманга бевосита озодликдан маҳрум этиш жойларида ўрганиш ўтказиш каби кенг ваколатлар берилди.

Азиз инсоннинг энг ноёб ҳуқуқига айланиб қолган «Реабилитация ҳуқуқи» ҳаётга қайтди.

Буни ҳар биримиз тез-тез қабул қилинаётган судларнинг оқлов ҳукмлари миқсолида кўриб турибмиз.

2016 йилдан бери Ўзбекистонда 5000 дан ортиқ маҳбус озод қилинган. Улардан 1584 нафари диний маҳбуслар. Бундан ташқари, озод этилган ёки жазоси енгиллаштирилган маҳбуслар сони 2000 нафарга етган.

2017 йилда – 263 нафар, 2018 йилда – 867 нафар, 2019 йилда – 859 нафар, 2020

Хулоса қиладиган бўлса, азон нима учун айтилади? Албатта азон ўша эътиқод вакилларини ибодатга чорлаш учун янграйди ва бу фақат эзгуликка чорловдир, бундан ўзгача маъно чиқармаслик лозим. Негаки, аслида эътиқод ҳам, ибодат ҳам инсонгагина хос бўлган эзгу тушунчалардир.

Демак, барчамиз яхши билганимиз – ҳар қандай давлат раҳбари – лидерлари аввало, шу давлат иқтисодиётини кўтаради, аҳоли турмуш фаровонлигини оширади, ундаги ижтимоий масалаларни ҳал этади, фаол ички ва ташқи сиёсатни олиб боради, лекин инсон ҳуқуқлари, унинг кадрлари фақат кучли лидерлар томонидангина таъминланади.

йилда – 781 нафар фуқаро оқланган. 3 минг 434 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 5 минг 958 нафар фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловлардан чиқарилган, ўзгартирилган ёки ҳокимларнинг 2 минг 852 та қарори ноқонуний, деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Маъмурий судлар ташкил қилинган, 2017 йилда 218 тагина, 2020 йилга келиб эса 41 292 та маҳаллий ҳокимликларнинг қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган.

2017 йилгача бўлган ўн йилликдаги 7 тагина оқлов ҳукмини эсласак, 2017 йилдан бугунга қадар оқловлар беш мингдан ортиқни ташкил этмоқда.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДА ШУНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Одамларнинг суддан нажот излаш фоизи ошди. Аслида инсон ҳуқуқларига асосланган ҳуқуқий давлатда шундай бўлиши ҳам керак.

Бир сўз билан айтганда, кеча орзу қилиб юрганимиз – ноҳақ айбларни олиб ташлаш, оқлов, давлат органларига ишга тиклаш, давлатдан зарар ва компенсация ундириш бугун янгилик эмас. Одамлар бу ислохотларнинг қанчалик қийинчилик билан бошланганлигини эсидан ҳам чиқариб қўймоқда.

Аслида яратилган енгиллик ва яхши ислохотлар машаққати тез ёддан кўтарилади...

Яна бир ҳақиқатки, ҳаётга татбиқ этиладиган ислохотлар, айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлар ҳар доим ҳам кутилган натижани тақдим қилавермайди.

Бу жараён ва ҳолат ҳам фалокат эмас, тараққий этган давлатлар тажрибасига таянса, беками-қўст ислохотлар жараёнининг ўзи жаҳон тажрибасидаги энг ноёб ходисалардандир.

Лекин, юртимиздаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг натижаларини тан олмаслик ҳам, кўриб кўрмасликка олиш ҳам адолатдан бўлмайди.

Чунки, сўз, фикр юритиш, ижод, виждон эркинлиги кафолатлари, хоҳлаган жойда яшаш, прописка муаммоси амалда таъминланмоқда, мажбурий меҳнат йўқ қилинди. Энг асосийси, одамларда кўркув йўқолди.

Масалан, 2010-2014 йилларда сайловчилар уч ойдан бери пенсиясини ололмаганлиги, маош ёки пенсия пулини нақдлаштиришда 10-20 фоиз устама тўлаётганлиги, валюта айрибошлаш, прописка, фуқаролик ололмаётганлиги каби тизимли муаммолар билан мурожаат қилишарди. Ўша пайтда бу муаммоларнинг 3-12 фоизи ечиларди, холос, бу ҳеч кимга сир эмас.

Таҳлилларга кўра, 2017 йилдан бошлаб республикада валюта айирбошлаш, прописка, пенсия ва нафақаларни нақд пулда олиш масалалари бўйича ҳар ойда ўртача 100 мингта мурожаат тушган. Бугун бу муаммолар тизимли ҳал этилиб, бундай мурожаатлар тўхтаган. Биргина Ўзбекистон фуқаролигини олиш тартиби енгиллаштирилгани сабаб 100 мингта яқин оила муаммоси ҳал этилди.



(Боши 1-саҳифада)

ПАҲЛАВОНЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

та тайёргарлик кўрилмоқда.

Халқимизда аввал иқтисод, кейин сиёсат деган гап бор. Ушбу жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар хомийлар ва Ўзбекистон дзюдо федерацияси маблағлари ҳисобидан қопланиши маълум қилинган. Шу ўринда айтиш жоизки, олинган фойда Ўзбекистон дзюдо федерацияси тасарруфида қолдирилиб, дзюдони янада ривожлантиришга, жумладан, дзюдо мактабларини қуриш ва жиҳозлаш ҳамда федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтириши келгусида дзюдо Ватанимизда янада оммавий ривожланишига катта асос яратади.

Ҳеч бир соҳа таълимсиз ва илмий татқиқотсиз такомиллашмайди, шу боис ҳужжатда 2023 йил 1 январдан Сурхондарё ҳамда Хоразм вилоятидаги олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари негизда Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимига кирувчи Денов ҳамда Урганч дзюдо мактаблари ташкил этилиши илгари сурилмоқда. Мазкур дзюдо мактаблари фаолияти қобилиятли ва иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ҳамда уларни асосан миллий терма жамоаларга тайёрлашга йўналтирилади. Мактабларга 5-синфдан ўқишга қабул қилинади ҳамда таълим олиш муддати етти йил этиб белгиланади. 2023 йил 1 январдан умумий ўрта таълим мактабларида дзюдо спорт турини ривожлантириш бўйича «Болалар учун дзюдо» дастури ҳамда мактабгача таълим ташкилотларида «Мактабгача дзюдо» лойиҳаси жорий этилади.

Бинобарин, 2022/2023 ўқув йилидан Ўзбекистон Миллий университетида «Дзюдо ва спорт фаолияти» бакалаврият таълим йўналиши ҳам очилади. Шунингдек, Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимида Ўзбекистон дзюдо академиясини ташкил этилади.

Ўзбекистон дзюдо академиясининг асосий вазифалари этиб:

дзюдо, шу жумладан, парадзюдо бўйича спортчилар, тренерлар, тренер-селекционерлар, ҳакамлар ва бо-

шқа мутахассисларнинг касбий маҳорати ва малакасини ошириш;

дзюдо, шу жумладан, парадзюдо бўйича профессионал, юқори малакали спортчилар, тренерлар, тренер-селекционерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни халқаро талаблар асосида тайёрлашга қўмаклашиш;

дзюдо, шу жумладан, парадзюдо бўйича ўқув дастурлар ва методологияни янгилаш, ёшларнинг тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш;

маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, мастер-класслар, ўқув машғулотлар ташкил этиш белгилаб берилган.

Ҳужжат билан Тошкент шаҳрида Ўзбекистон дзюдо академияси учун Япониянинг «Кодокан» кўп функцияли, замонавий ва универсал дзюдо маркази намунаси бўйича Халқаро дзюдо федерацияси талабларига жавоб берадиган, спорт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бино ва иншоотлар (спорт зали, ўқув биноси, ошхона ва ёрдамчи бинолар) қуриб, фойдаланишга топшириш қайд этилган.

Бўстонлик тумани, Оқтош қишлоғи ҳудудида дзюдо бўйича миллий терма жамоалар учун Халқаро дзюдо федерацияси стандартларига жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона ва ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт ва замонавий спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган ўқув-машғулот базасини барпо этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 2023 йилдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида қўл жанги бўйича Хотира турнири, профессионал спортчилар ўртасида Президент ва Амир Темур кубоги халқаро мусобақалари ўтказилади.

Айни пайтда, Қарорга кўра янги ўқув йилидан бошлаб соҳани илмий тадқиқ қилиш ва белгилаб берилган вазифаларни миллий спорт ўйинлари тажрибаларидан келиб чиқиб, самарали бажариш тақозо этилади.

Абдулла ТАНГРИЕВ,
ЎзДЖТСУ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрда имзоланган “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини яратди. Ҳужжатда кураш миллий спорт турини вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида оммалаштириш, қобилиятли курашчиларни аниқлаш ва саралаш, мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш, ўсиб келаётган ёшларни ушбу спорт турига кенгроқ жалб этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш билан боғлиқ бир қатор вазифалар қайд қилинган. Бинобарин, “яктак” спорт кийимлари ва “кураш гилам”ларини ишлаб чиқариш, мазкур миллий спорт турини “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда Универсиада спорт ўйинлари дастурига киритиш белгилаб қўйилди.

Ўзбек курашига бугун жуда яқин бўлган энг ёш спорт тураларидан бири дзюдо эса, атиги 18 асрда Доктор Жгара Кано томонидан Японияда таркиб топди ва у инсон камолотида энг самарали спорт тури деб топилди, ҳатто ҳарбий машғулотларга киритилди.

Бугунги кунда халқаро спорт тури сифатида тан олинган дзюдога мамлакатимизда ҳам ҳурмат билан қаралиб, миллий курашимизга жуда яқин спорт тури сифатида қизғин қабул қилингани катта ижтимоий ҳодиса бўлди. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг 2022

йил 20 июндаги “Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Мазкур қарорда Ўзбекистонда 2023 йил 1 январдан бошлаб анъанавий тарзда дзюдо спорт тури бўйича иккита халқаро ва учта республика даражасидаги турнир ўтказилиши кўрсатиб ўтилган. Катталар ўртасида «Катта дубулға» халқаро турнири ташкил этилиши эса катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, Осиё чемпионати ғолиби ва Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси Учқун Муродов хотирасига бағишланган 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида халқаро турнир, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Халқ таълими вазири кубоги» ва ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўртасида «Олий ва ўрта махсус таълим вазири кубоги» га катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек, Куролли Кучлар тизимида «Мудофаа вазири кубоги», 2024-2025 йилларда ҳарбийлар ўртасида Жаҳон чемпионати ўтказилиши белгилаб берилди.

Мазкур турнирларда маҳаллий дзюдочилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро дзюдочилар, мураббийлар ва ҳакамлар иштирок этиши кўзда тутилган. Айни пайтда биринчи босқич сифатида Тошкент шаҳри 2022 йил октябрь ойида дзюдо бўйича катталар ўртасида Жаҳон чемпионатига мезбонлик қилишга пух-

кичик тиббиёт ходимлари ҳамда 46 нафар бошқа вазифалардаги, жами 499 ходим хизмат кўрсатади.

Марказ маблағлари ҳисобидан охириги 5 йилда 962 комплект рақамли рентген аппаратлари, жумладан, 3 дона “FujiFilm Dry PIX Lity” маркали термопринтер, 30 турдан ортик 500 дан ортик тиббий мебеллар, 2 дона “JAK” маркали автоматлаштирилган тикув машинаси ва оверлок харид қилинди. Филиал хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоят ИИБ га интернет орқали онлайн уланган IP камералар ўрнатилди. 1 дона дефиблятор, 2 дона артроскоп, 5 комплект катта жарроҳлик тўпламлари, 2 дона ЭКГ апарти, 1 дона электронейромиограф, 1 дона УЗИ апарати, 3 дона автоматлаштирилган лаборатория анализаторлари, 2 дона ИВЛ, 5 дона кардиомонитор, 1 дона дезокамера, 50 дона кондиционер, 60 дона компьютерлар, 20 та телевизор, 30 дона аристон ва бошқалар харид қилинди. Ўтган йили филиалда вилоят хокимлиги хомийлигида 68 нафар фуқароларда 1 млрд 286 млн 260 минг сўмлик юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

ЭНДИ РОБОТ ДАВОЛАЙДИ

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали жамоаси тиббиёт соҳасида давом эттирилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси. Шифохонадаги ҳар бир тиббиёт ходими зиммасига юкланган масъулиятни жисдий ҳис этади, бажарилиши лозим бўлган вазифаларга виждонан ёндошади.

Тажрибали шифокор Ойбек Маматқулов 2018 йилнинг ноябрь ойидан буён мазкур филиалга раҳбарлик қилиб келаяпти. Бу даврда унинг бошчилигида одамлар саломатлигини тиклаш йўлида бири-бирдан муҳим ўзгаришлар қилинди. Илмий ва фан йўналишлари билан боғлиқлик, ҳамкорлик борасида эътиборли ишларга қўл урилди. Мавжуд 10 та бўлимнинг ҳаммасида қайта қурилди, янги замонавий медицина асбоб-ускуналарига эгаллик қилинди.

– Жами даво ўринлар сони 260 та, – дейди филиал директори Ойбек Маматқулов. – Уларнинг 52 таси бюджет ҳисобида ва 208 таси хўжалик ҳисобида. Катталар ўткир шикастланишлари оқибатлари, Катталар қўшма шикастланишлари оқибатлари, Катталар ортопедияси, Йирик бўғимлар артроскопияси, Умуртқа жарроҳлиги, Ихтисослашган суяклар йирингли асоратлари бўлими, Нейрохирургия ва юз-жағ жарроҳлиги, Болалар шикастланишлари ва ортопедияси каби бўлимларда фаолият кўрсатаётган 96 нафар врачнинг 2 нафари тиббиёт фанлари номзоди. Шунингдек, 223 нафар ўрта ва 138 нафар

Тиббиёт

Филиал жамоасининг истикболдаги режалари катта. Асосий эътибор замонавий МРТ ва МСКТ аппаратларини харид қилиш, клиник ва биохимик лаборатор текширувларни такомиллаштириш, жарроҳлик хоналарини замонавий усулда таъмирдан чиқариб энг охириги русумдаги аппаратлар билан жиҳозлашга қаратилган.

– Маълумки, бошқа соҳалардаги сингари тиббиётда ҳам кадрлар масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эга, – давом этади филиал директори Ойбек Маматқулов. – Эътиборлиси, тиббиётда мутахассис малакаси, маҳорати, тажрибаси одамлар саломатлигини сақлаш билан боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам бизда айнан шу соҳа кўпроқ дикка-марказимизда бўлади. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақсадида марказ врачларининг чет давлатларда ўқишини режа асосида ташкил қилиш мақсадидамыз. Бунда албатта, молиялаштириш асосий роль ўйнашига шубҳа йўқ. Демак, малака ошириш, илғор тажрибаларни ўрганиш, тажриба ошириш учун маблағ аялмайди.

Яна бир эътиборли масала. Филиал раҳбарияти вилоятда биринчилардан бўлиб, навигацион хирургия ва робот ёрдамида жарроҳлик амалиётларини йўлга қўйиш ташаббуси билан чиққан. Унинг рўёбга чиқарилиши учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Абдурасул САТТОРОВ.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КИМ

ёхуд эндиликда давлат хизматчилари қандай сараланади?

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислохотларнинг самарали ҳаётга татбиқ этилиши, биринчи навбатда, давлат хизматчиларига боғлиқ. Шу боис, замонавий эҳтиёжларга жавоб берадиган давлат хизмати аппаратини шакллантириш устувор вазифага айланди.



Ислохотларнинг амалий кучи ва самарали татбиқ этилиши ҳам, биринчи навбатда, давлат хизматчиларига боғлиқ. Шу мақсадда мамлакатимизда қўйилаётган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга мувофиқ келадиган давлат хизмати аппаратини шакллантириш борасида изчил ислохотлар кечмоқда.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойилни тўла рўёбга чиқариш, давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини тартибга солиш учун мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Қонунда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб давлат органлари ва ташкилотларидаги раҳбарлик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш ишлари амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, бугун аҳолининг орзу-истаклари ва эҳтиёжларини амалда рўёбга чиқариш давлат хизмати аппаратини профессионал ва юқори ахлоқий кадрлар ҳамда натижа кўрсата оладиган хизматчилар билан таъминлашни талаб этмоқда.

Жумладан, ушбу соҳада институционал ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги фармони асосан, давлат фуқаролик хизмати ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини юритиш, давлат хизматида замонавий бошқарув усуллари қўллаш орқали давлат хизматчилари фаолияти самардорлигини ошириш, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик томонидан ўтган қисқа давр мобайнида давлат хизматини ислох қилиш борасидаги қатор ишлар бажарилди. Энг аввало, давлат фуқаролик хизматида бугунги талабларга жавоб берадиган муносиб кадрларни жалб этишда меритократия тамойилини ҳаётга жорий этиш юзасидан янги тизим яратилди. Барча давлат органлари, ташкилотларида давлат фуқаролик хизматига қабул очик мустақил танлов асосида амалга оширилиши, давлат фуқаролик хизматида ишга қабул қилиш ва кадрларнинг хизмат бўйича ўсиб бориши номзодларни адолатли баҳолаш, улар орасидан энг муносибларини танлашга асосланиши белгилаб қўйилди.

Эндиликда номзодлар эмас, хуж-

жатлар ҳаракатланмоқда. Бу борада бўш лавозимга эълон бериш, хужжатларни қабул қилиш ва билимларни тест асосида аниқлаш каби босқичлари инсон омилидан холи бўлишни таъминлаш мақсадида агентлик томонидан vacancy.uz портали ишга туширилди. Портал давлат органлари ва ташкилотларидаги вакант лавозимларни муносиб кадрлар билан тўлдириш учун “бир дарча” тамойили асосида фаолият кўрсатади. Яъни меҳнат ва кадрлар ишига оид барча интернет платформалари мазкур портал билан интеграциялашган.

Зеро, ҳар қандай давлатда муносиб раҳбар кадрни етиштириш анча машаққатли жараён ва у аниқ ишлайдиган меритократик тизим бўлишини талаб этади. Давлат хизматида раҳбарлик лавозимларини узлуксиз равишда энг муносиб кадрлар билан таъминлаш, ҳар бир потенциал раҳбар кадр билан манзилли ишлаш орқали уларнинг амалдаги таркибини янада яхшилаш, зарурий билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида илк бора Миллий кадрлар захираси тизими яратилди.

Бир сўз билан айтганда, бу тизим бутун давлат хизматида раҳбар кадрларнинг касбий билимини ошириш, барча учун бирдек ишлайдиган тамойиллар – тенглик, ракобатчилик, ихтиёрийлик, шаффофлик, холислик ва очиклик тамойиллари асосида хизмат поғоналарида адолатли равишда кўтарилиш имконини беради. Яъни ҳар бир раҳбар ходим, агар муносиб бўлса, ҳар куни халқ ва давлат ишончини оқлаб, ўз устида ишлаши, яхши натижалар кўрсатиши асосида карьерасини режалаштира олади.

Бугун тизимда эришилаётган натижалар ҳар бир давлат хизматчисини келажакка ишонч билан қарашга

ундайди. Шу боис, янги Ўзбекистонда юксак билими ва касбий салоҳияти бўлган ҳар бир давлат хизматчиси раҳбарлик мактабига кириши ва меҳнати билан тобланиши аниқ ҳақиқатга айланди.

Яна бир муҳим жиҳат. Қайд этиш жоизки, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” қонун қабул қилиниши бу йўналишда юртимизда кечаётган маъмурий ислохотларнинг муҳим босқичи бўлди. Қонун билан илк бор давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, энг муносибларни очик ва мустақил танлов билан ишга қабул қилиш, ходимлар фаолиятини ЭМСК (KPI) асосида баҳолаш, меритократия асосида хизмат поғоналарида кўтарилиш ҳамда малака даражалари бериш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тартибини жорий этиш мустақамланмоқда.

Бу қонун нафақат миллий, балки илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзида мужассам этган. Масалан, Жанубий Корея, БАА, Германия, Франция, МДХ ва бошқа қатор давлатлар тажрибаси ўрганилди ҳамда уларнинг амалиёт синовларидан ўтган энг яхши жиҳатлари намуна сифатида олингани қонуннинг миллий ва замонавий руҳини ифодалайди.

Ана шундай муҳим босқичлардан ўтказилиб қабул қилинган қонун жорий йил ноябрдан кучга киради. Энди давлат фуқаролик хизматида малакали кадрларни фаол жалб қилиш, улар салоҳиятини ошириш, фидойи, халқпарвар ва ракобатбардош кадрлар сифатида тарбиялаш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади.

Одилжон АТАУЛЛАЕВ,
Нурафшон шаҳар “Чигирик”
маҳалла фуқаролар йиғини
хоким ёрдамчиси

Элтузархон Хивада икки йил ҳукмронлик қилган бўлса-да, ўзининг бунёдкорлик ишлари, мамлакат сарҳадларини кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан тарихда қолган. Айниқса, унинг ўта кескир, қимматбаҳо қиличи ҳақида жуда кўп афсона ва ривоятлар тарқалган.

Бир пайтлар Шарқ мамлакатларида Дамашқ ва Исфаҳонда тайёрланган қиличлар қанчалик катта шухрат қозонган бўлса, Хивада ясалган қиличларнинг ҳам қиймати улардан кам баҳоланмаган. Ана шундай қимматбаҳо, кескир қиличлардан бири Элтузархоннинг тегишли эди. Қилич шу қадар ингичка, эгилувчан бўлгани боис, уни бемалол белбоғ ўрнида белга тақиб юриш мумкин бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон I ҳали тахтга кўтарилмасдан олдин акаси Элтузархон билан 1806 йилда бухороликлар билан бўлган жангда қатнашган. Бу жангда Мовароуннахрнинг атоқли баҳоидири Маҳмудхўжа билан Муҳаммад Раҳим тўра яккама-якка

курашга чиқади. Курашнинг бошиданок Муҳаммад Раҳим тўранинг чарчаган оти йиқилиб қолади. Чунки, тўранинг гавдаси катталиги сабабли энг кучли от ҳам икки соатдан ортиқ уни кўтариб юра олмаган. У ўрнидан туриб, қаддини ростлаб ҳам улгурмасдан Маҳмудхўжа от устида келиб, қиличини орқа томони билан унинг сонига ва чаккасига зарба бериб, ёқасидан судраб ўз мулозимларига топширади. Иккита отлик уни икки елкасидан ушлаб, судраб кетадилар.

Тарихчи Шермуҳаммад Муниснинг ёзишича, худди шу аснода ўзини ўнглаб олган Муҳаммад Раҳимхон дарҳол белидаги қиличини олиб, икки мулозимни шу ернинг ўзида тинчитади. Уни қўлга олишга уринган яна саккиз навкарни ҳалок қилади. Бу воқеани кўрган Маҳмудхўжа рақибининг устига от чоптириб келиб, унга хужум қилади. Муҳаммад Раҳим тўра чакқонлик билан зарба-

ни қайтаради ва бир ҳамлада Маҳмудхўжанинг қилич тутган қўлини узиб ташлайди. Кейинги зарбаларда у Маҳмудхўжанинг қулоғи ва бурнини осонлик билан кесиб ташлайди.

Шу аснода Муҳаммад Раҳим тўрага икки маҳрам от олиб келишади. Муҳаммад Раҳим тўра отга миниб, яна бир қанча душман аскарини ер тишлатади. Унинг бу жасоратига ўзининг куч-қудрати билан бирга кескир қиличи ҳам катта ёрдам берганди. Муҳаммад Раҳим тўранинг совути остида сақлаган бу қилични унга акаси Элтузархон уруш олдида ҳар эҳтимолга қарши бериб қўйганди.

Элтузархоннинг авлодларидан бўлган, Хиванинг Шайхлар қишлоғида яшаган Абдуқодир ота Абдуқолиқ ўғли шундай ҳикоя қилади: — Қиличнинг дастаси соф олтиндан бўлиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Қиличнинг тиғи ниҳоятда ўткир бўлган. Бир ривоятга ерга бошини қўйиб ётган

бузқони бўйинини шу қилич билан чопишган, қилич дамнинг тезлиги ва ўткирлиги сабабди, бузқоқ то гавдасини кўтармагунча, ҳеч нарсани сезмай, кавш қайтариб ётаверган. Бу қиличнинг катта бобомиз Элтузархон севимли ўғли Абдуллага мерос қолдирган экан. Қилич узоқ муддат Абдулла бобомизнинг Хивадаги “Бийлар боғи” маҳалласида сақланган. Инқилобдан кейин янги ҳукумат сиёсатидан кўрққан Абдулла бобомиз қилични боғида қўмиб қўйган. Уни Аждар лақабли ит кўриклаб ётаркан. 1924 йилда бир гуруҳ НКВД ходимлари боғимизга кириб, итни отиб, бобомиздан қолган қимматбаҳо қилични олиб кетдилар. Қиличнинг кейинги тақдири номаълум.

Рустам ЖАББОРОВ,
журналист.
Зебо ЖУМАНИЁЗОВА,
Ҳазорасп туманидаги 49-мактабнинг
тарих фани ўқитувчиси

СИРЛИ ҚИЛИЧ

— **Тарих**

Гулнора эшикни очиб, ўқувчилардан бирига бақириб турган кимё ўқитувчиси Мукаррам Азизовнага мурожаат қилди: “Ассалому алайкум, кечирасиз устоз, кирсам мумкинми?”

Бошини эгиб тик турган ўқувчига айтадиганини айтиб, ортига бурилган синф раҳбари хўмрайганча Гулнорага тикилди. Қиз ўқитувчисининг нигоҳидан қўриқиб кетдимми ёки дарсга кечиккани учун уялдимми, кўзларини олиб қочганча “кечикканим учун узр устоз, бошқа такрорланмайди” деди ўзини гуноҳкорона тутиб.

— Ҳа, сени нима бало урди? — Гулнорага пешвоз юрди Мукаррам Азизовна, — Бозорда мева-чева сотиш чарчатиб қўйдими?

Бу гап қизга қаттиқ ботган бўлса-да, оғиз очмади.

— Ёки онангнинг ёнида савдо қилиб, пулинг кўпайиб қолдимми? — давом этди синф раҳбари. — Гапир, дарсга нега кечикканлигингни билиб қўяйлик?!

— Кечирасиз, Мукаррам Азизовна, — деди Гулнора кўзларини ердан узмай. — Укам йўтала бошлагани учун тиббий бўлимга олиб кирган эдим. — Шунга ушланиб қолдим.

— Топган баҳонасини қаранг буни, — мийғида илжайди синф раҳбари, — “укамни тиббий бўлимга олиб кириб, ушланиб қолдим” эмиш. — Мени шу гапга ишонади дейдиган бўлсанг, чучварани хом санабсан. Ёлғонинг бозорда ўтади, мактабда эмас, тушундингми?!

— Мен сизни алдаётганим йўқ устоз, — деди қиз кўзларига ёш олиб, — ишонмасангиз текшириб кўринг! Укам шу ерда, синфида ўтирибди.

— Сен мени ким деб ўйлаясан? — ўшқирди синф раҳбари, — қилмаган ишим шу қолувди ўзи. Буйруғингни онангга қиласан, билдингми?


Синф раҳбарининг ўз ўқувчисига қилган бундай муомаласи кўпчилиكنинг газабини кўзғатди шекилли, бирдан шивир-шивир бошланди. Бу Мукаррам Азизовнанинг қулоғига игнадай санчилди. Унинг қахрли кўзлари ўқувчиларга қадалиши билан Баҳора исмли қиз шарт ўрнидан турди.

— Кечирасиз, устоз, — деди у жимиб қолган синфдошларига бир қараб олиб, — биз мактабга жанжал томоша қилгани эмас, билим олгани келганмиз. Гулнорага келсак, у аълочи синфдошларимиздан. Дарсдан сўнг, савдо-сотик билан эмас, уй ишлари билан шуғулланади. Укаси билан дарс тайёрлайди. Онанинг келишига овқат пишириб қўяди. Сиз бўлсангиз уни ҳам савдогарликда, ҳам пулдорликда, ҳам ёлғончиликда айблагангиз. Бу тухматни ҳаммамиз эшитдик. Бир синф ўқувчи олдида мутлақо гуноҳсиз бир қизни камситиш, нафсониятига тегиш, бунинг устига тухмат қилиш сизга — онамиз тенги аёлга сираям ярашмади. Қани айтингчи, устоз, икки болани бошқалардан кам қилмай отасиз ўстираётган, ўқитаётган онанинг бозорда мева-чева сотиб, рўзғор тебратиши айбми ёки гуноҳми? Ахир, у аёл ҳалол меҳнат қиляпти-ку. Бизга ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир деган сиз эмасми? Лекин, бугун бу мақолга ўзингиз амал қилмадингиз. Шу сабаб ўттиз ўқувчингизни ранжитдингиз, қаттиқ ранжитдингиз. Мени тўғри тушунасиз деган умиддаман. Дилингизни оғритган бўлсам, минг бор узр.

Баҳора ўтира туриб, синфдошларига яна бир бор назар ташлади. Бу унинг сизлар ҳам гапиринглар дегани эди. Бироқ, ҳайкалдай қотиб турган ўқувчиларнинг

ҳеч қайси бири кўзғолмади. Синфга сукут чўкди. Йигирма йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлаётган Мукаррам Азизовна ҳали бирон бир ўқувчидан дакки эшитмагани учунми, бирдан лаблари титраб, ранги оқарди. Ўрнига ўтириб, бошини чангаллаганча ўйга чўмди. Катта томоша ана энди бўлади деган хаёлга борган ўқувчилар мижжа қоқмай синф раҳбарининг нимадир дейишини сабр-сизлик билан кутиб турдилар. Бир неча дақиқа ўтиб, Мукаррам Азизовна секин ўрнидан турди. Чуқур ух тортиб, ўқувчиларга юзланди:

— Қадрли ўқувчиларим, азиз ўғил-қизларим, — дея паст овозда гапира бошлади у, — илтимос, мени кечиринглар. Тўғри, мен жаҳлим чиқиб



тургани учун ўзим билмаган ҳолда ала-мимни Гулнора қизимдан олдим. Жон қизим, сен ҳам мени кечир. Мен жуда афсусдаман. Биламан, онанг ақлли, ҳалол, меҳнаткаш аёл. У киши бозорчи аёлларга асло ўхшамайдилар. Бу менинг чин сўзим қизим. Мен хато қилдим. Баҳора қизим эс-хушимни йиғиб олишимда ёрдам бериб, кўзимни мошдек очиб қўйди. Бунинг учун ундан миннатдорман. Яна бир бор барчангиздан мени кечирингизни сўрайман...

Ўқувчиларнинг чехралари сал ёришгандай бўлиб, синфни қарсак овози тутди. Мукаррам Азизовна кўлини кўксига қўйиб, ўқувчиларига миннатдорчилик билдирар экан, эшик олдида ҳамон мулзам бўлиб турган Гулнорага кўзи тушиб, ўтиришга ижозат берди. Ўқувчилар Мукаррам Азизовнанинг Баҳорага жағ очмаганига ажабланмадилар. Чунки онаси Санобар опа шаҳар прокурорининг ўринбосари эканлигини бутун мактаб билар, синфдошлари онасига тортган Баҳорани кичик прокурор деб атардилар. Шу билан кимё дарси тугади. Баҳора ҳали дилхиралиги тарқамаган Гулнорани дераза олдида имлаб, узоқ гаплашди, нималарнидир уқтирди.

Дарсдан сўнг укаси билан уйга қайтган Гулнора дугонасининг айтганларини бирма-бир хаёлидан ўтказар экан, ҳар замон-ҳар замон бошини чайқаб, хўрсиниб-хўрсиниб қўйди. Тўғри, “бозорчи аёл” деган номни одамлар хушламайди, ёмон кўради. Сабабини тўққизинчи синфни битираётган Гулноранинг ўзи ҳам яхши билар, бозорда савдо қиладиган аёлларнинг кекса-ю, ёши кўполлигини ҳам, бўлар-бўлмасга сўқиниб гапиришини ҳам, жанжалкашлигини ҳам отаси билан рўзғорга ул-бул олгани “Эски Жўва”га борганида неча бор ўз кўзи билан кўрган, улардан қаттиқ нафратланган, бундай аянчли ахволга “Қўйлик”, Фарҳод ва “Юнусобод” бозорларида ҳам дуч келиб, тавбасига таянган, бозор деса юраги зириллайдиган бўлиб қолган эди. Кейинроқ бу бозорлар дарвозаларининг пештоқида отнинг калласидай келадиган ҳарфларда дехқон бозори деб ёзиб қўйилганини кўриб, ҳайрон бўлган, бу гала-говур жойда нега дехқон боболар

савдо қилмаётганлигининг сабабини отасидан сўраб, қизиқ гапларни эшитгани хали-хали ёдида.

— Ажаб замон бўлди қизим, — деган эди ўшанда отаси Ҳикмат ака қулиб. — Олиб сотарлар пайдо бўлиб, дехқон бобони бозорга йўлатмайдиган бўлишди. У олиб келган маҳсулотини юз сўмга олиб, уни минг сўмга пуллайдиганлар юзага келди. Бу шу даражага етдики, бозорларнинг ўз эгалари пайдо бўлди. Улар дехқон олиб келган маҳсулотни бозордан ташқарида сув текинга сотиб олиб, уни бозорга олиб кирувчиларга икки-уч баробарига сотадиган бўлдилар. Улар билан бозордагиларнинг ўртасида турадиганлар ҳам албатта устига қўяди. Шу тариха маҳсу-

лот қўлдан-қўлга ўтиб, бизга ўхшаган харидорларга минг сўмлик нарса тўрт-беш минг сўмга сотилади. Бу бозорнинг файзи-баракасини қочирди. Олиб-сотар аёлларнинг кўпайиб бориши эса бозор маданиятининг оёғига болта урди. Охир-оқибатда бозорларимиздаги шарқона савдо маданиятига путур етди. Унинг ўрнини ёлғончилик, кўзбўямачилик, алдов, қитмирлигу бахиллик, кўполлигу манманлик эгаллади. Ҳатто, бозорларимизда зўравонлар кўрина бошлади. Пештахта ортида савдо қиладиган аёллар бозор маданиятини юксалтириш ўрнига тезгина унинг иллатларини юктириб олдилар. Бу эса уларни уят, ҳаё, ибо деган туйғулардан, аёлга хос энг гўзал хислат ва фазилатлардан тобора узоқлаштирмоқда. Шунинг учун ҳам бозорчи аёл номини эшитган борки, ўзини четга олади.

— Уларнинг яхшилари ҳам борми? — қизиқиб сўради Гулнора.

— Билмадим қизим. Лекин, маҳсулотининг бутунига чиригини қўшиб сотадиган сотувчини яхши деб бўлмайди. Яхши бўлиб кўрингани ҳам алдашга ҳаракат қилади. Биронтасининг юз-кўзидан нур ёғилиб турмайди. Сўзларидан аччиқ пиёзнинг хиди келади. Шунинг учун мен ҳам уларни хуш кўрмайман қизим... Гулнора ана шулар ҳақида ўйлар экан, онасини уларнинг даврасидан бугуноқ ажратиб олишга қарор қилди. Лекин, шу он Баҳоранинг “Мен онангни шу атрофдаги болалар боғчасига жойлаштириш масаласини аямдан илтимос қиламан. Сен бир-икки кун сабр қилиб тур. Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади” дегани ёдига тушиб, шаштидан қайтди.

Инсон пешонасига ёзилганини кўрар экан-да. Агар коронавирус деган офат Гулнорани отасидан айирмаганида онаси маоши камлиги учун болалар боғчасидан бўшаб, савдо-сотик қилгани бозорга чиқармиди? Йўқ! Аввало, буни Холида опанинг ўзи истамас, ҳаёт шунга мажбур қилган тақдирда ҳам эри бунга сираям рози бўлмас эди. Чунки эру-хотиннинг топган-тутгани оиланинг қора қозонини қайнатишга етиб турувди-да. Мана энди бошга тушганни кўз кўрар деганларидек, Холида

опа икки болага ҳам ота, ҳам она бўлиб, қанчалик қийин бўлмасин, икки йилдан бери оила аравасини ёлғиз ўзи тортиб келмоқда...

Баҳора ваъдасининг устидан чиқди. Эртасигаёқ аяси мактабдан сал наридаги хусусий боғчага Холида опани тарбиячи лавозимига гаплашди. Маоши аввалгисидан икки баробар кўп экан. Гулнора эса дарсдан кейин мактаб кутубхонасида ишлайдиган бўлди.

Ўша оқшом бозордан тинка-мадори куриб қайтган Холида опа қизи билан ўғлини бениҳоя хурсандлигини ва уйининг саришта-ю, саранжомлигини кўриб, ҳам қувонди, ҳам кўнглидан “бу иккови нимадир қилганга ўхшайди” деган фикр ўтди. Опа-ука онажонларига одатдагидан-да яхшироқ хурмат-иззат кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Безатилган дастурхонни кўрган онанинг хайрати янада ошди. У бир пиёла чой қуйиб узатган қизига ўзгача меҳр билан термулиб, жилмайиб қўйди. Гулнора онасининг “бугун нима овқат қилдинг қизим?” дейишини кутмай, чинни лаганда ош сузиб кирди. Хонани палов хиди тутиб, иштахани очиб юборди. Ошдан кейин чойхўрлик бошланди. Она ўғил-қизининг ўқишлари билан қизиқди. Хотиржам бўлгач, телевизордан таралаётган мумтоз кўшиққа қулок тутди.

— Онажон, — деди Гулнора эркалик билан, — сизга бир илтимосим бор.

— Қандай илтимос экан қизим?

— Йўқ демасангиз айтаман.

— Олдин нималигини билай, шунга қараб гаплашамиз-да, қизим.

— Унда айтмас эканман-да, деди Гулнора нозланиб.

— Майли розиман, айтақол.

— Эртадан бошлаб бозорга чиқмай-сиз, хўбми?

— Нега энди? — кўзлари хонасидай чиққудай бўлиб сўради Холида опа.

— Бозорчи аёл деган ном сизга ярашмайди, онажон. Мен ҳам, укам ҳам сизни уларнинг ёнида кўришни истамаймиз. Эртадан бошлаб бозорга чиқмайман, деб сўз берсангиз, сизни хурсанд қиладиган янгилик айтаман.

— Иш билан боғлиқми?

— Ҳа, онажон, иш билан боғлиқ.

— Эртадан бошлаб бозорга чиқмасликка сўз бераман.

— Раҳмат онажон, минг раҳмат сизга. Энди сизни банкнинг ёнидаги хусусий болалар боғчасига тарбиячи лавозимига қабул қилингангиз билан табриклаймиз. Нималар деяпсан қизим? — норозироқ оҳангда сўради она, — боғчанинг маоши билан рўзғор тебратиб бўлармикан?

— Онажон, бу хусусий боғча, маоши ҳам яхши, — деди Гулнора онасини хотиржам қилмоқчи бўлиб. — Эртага эрталаб борсангиз, ҳаммасини кўриб-билиб келасиз. Албатта, паспортингиз билан боришингиз керак.

— Буни қандай топдинг қизим, — ҳаяжонланиб сўради Холида опа.

— Бу ишни сизга дугонам Баҳоранинг онаси ҳал қилиб берди. Раҳматни Баҳора билан унинг онасига айтасиз. У киши мени ҳам иш билан таъминладилар. Энди дарсдан кейин мактабимиз кутубхонасида ишлайман. Маъкулми онажон?

— Маъкул бўлганда қандоқ, жон қизим, — деди Холида опа кўзларига ёш олиб. — Сенгайм, дугонанг Баҳора билан унинг онасига мингдан-минг раҳмат. Илойим худойим бахту-тахтингизни берсин! Умрингизни зиёда қилсин! Омин!

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



“Жамият” газетасининг 8 сентябрь кунги сонидида чоп қилинган “Турналар учса қарайлик” мақоласининг муаллифи, фахрий журналист Носир ака Махмудов Чирчиқдаги “Турналар” кўшиғига қўйилган ёдгорлик катта саъй-ҳаракатлар эвазига бунёд этилганини яхши билади. Шу боис эллик йилдан буён ўзига, чирчиқликларга, халқимизга кадрдон бўлган ёдгорликка уйғун равишда қўшиқ муаллифи Расул Ҳамзатовга хайкал қўйишни таклиф қилмоқда.

ЧИРЧИҚЛИКЛАРНИНГ ДОВРУҚЛИ ИБРАТИ

Давлатларни, шаҳарларни, одамларни бир-гина ибратли иши доврўғини дунёга дoston қилиши мумкин. Чирчиқ шаҳрининг оламга машхур бўлишига “Турналар” кўшиғига ёдгорлик ўрнатилиши сабаб бўлган десак, сира муболага эмас. Тўғри, ҳозирги кунда дунёнинг бир юз саксондан ортиқ манзилида шундай ёдгорликлар мавжуд. Лекин бу ёдгорликлар чирчиқликлардан ибрат олган ҳолда ўрнатиш керак. Ҳар қанча фахрлансак арзийди, “Турналар” кўшиғига қўйилган биринчи ёдгорлик мажмуаси 1972 йил 8 май кунини Чирчиқ шаҳрида очилган. Ҳатто Расул оғанинг ўз юртидаги “Турналар” ёдгорлиги ҳам биздан кейин бунёд этилган.

1968 йили Москвада чиқадиغان “Новий мир” журналида машхур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг босқинчиларга қарши адолатли урушда шахид бўлган аскарларга бағишланган “Турналар” шеъри Наум Гребнев таржимасида эълон қилинади. Бу шеърнинг она тилимиздаги таржимаси куйидагича жаранглайди:

*Менинг билишимча, қонли жанггоҳдан
Юртига қайтмаган шахид ёвқурлар,
Ҳали юмишқ ўрин топмай тупроқдан,
Оптоқ турналарга айланган улар.*

*Зеро, улар узоқ йиллардан буён,
Учишар ва бизга беришар овоз.*

*Шу боис самозга термилган замон,
Кўз узмай оҳиста сўзлаймиз дилроз.*

*Бугун ҳам туманлар сийрак тарафда,
Шом чоғи уларни кузатдим бироз.
Қачондир ерузра юргандай сафда,
Турналар галаси этарди парвоз.*

*Учиб борар экан ўз манзилига,
Кимларнидир йўқлар, таниш товушлар.
Ахир, жуда ўхшар авар тилига
Турналар таратган ўтинч, нолишлар.*

*Улар кўкда учар, учар гирён-зор,
Ўтган аждодларим, дўстларим, ёрим.
Кўрялман, қаторда битта бўшлиқ бор,
Ўша бўшлиқ, менинг боражак жойим.*

*Қазо ҳақдир! Мен ҳам яшаб умримни
Турналар сафида парвоз этаман.
Ва ерда қолган сиз азизларимни,
Самодан номма-ном йўқлаб ўтаман.*

Шеърни ўқиган таникли кўшиқчи Марк Бернес бастакор дўсти Ян Френкелдан шу шеърга куй басталашини сўрайди. У дўстининг илтимосини тезда бажаради. Бернес оғир хаста бўлишига қарамадан бу кўшиқни куйлаб, вафотидан бир ой олдин студияда тўлиқ ёздиради. Қўшиқ 1969 йил август ойида янграйди ва ўша санадан бошлаб барча халқларнинг юрагидан жой олади. Бу кўшиқнинг мазмун-моҳиятини англаган чирчиқлик фидойилар биринчи бўлиб “Турналар” кўшиғига ёдгорлик тиклашади.

Аслини олганда, Расул Ҳамзатов халқимизнинг сеvimли шоири ва азиз кадрдонидир. Унинг асарлари олтимиш йилдан буён таникли шоирларимиз томонидан таржима қилиб келинмоқда ва матбуотимизда мунтазам равишда чоп этилмоқда. Чунки адибларимиз Расул оғани ўз биродаридай кўришади. Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовдан сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповгача бўлган кўплаб адибларимиз Расул Ҳамзатовнинг кадрдон дўстлари эди. Унинг “Юксак юлдузлар” китоби 1964 йили она тилимизда чиққандан кейин Расул оғани халқимизнинг сеvimли ўз шоирига айланди. Ўтган йилларда унинг она тилимизда “Бир хонадон фарзандлари”, “Ишқ олдида ҳамма тенг”, “Менинг Доғистоним”, “Оналарни асранг”, “Умр қарвони”, “Мен юз кизга шайдоман”, “Шеърлар”, “Аёллар кўп, Она ягона”, “Менинг қалбим тоғларда”, “Оқ турналар”, “Буюк туйғу” номли китоблари чиқди (китоблар рўйхати хар бир ёзувчининг хавасини уй-

ғотади), шунингдек, асарлари кўплаб тўпламларимизга, дарслиқларимизга киритилди.

Айниқса, машхур “Менинг Доғистоним” китоби 2008–2019 йиллар оралиғида олти марта катта ададларда чоп этилди ва юртдошларимиз томонидан сеvim ўқилмоқда. Шу китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов унга шундай мухтасар таъриф беради: “Ушбу асарда шоирнинг бутун борлиги: дунёқароши, маънавияти, изтироби, армони, фахри ва ғурури – барча-барчаси мужассам. Бу бепоён туйғуларни эса Расул аканинг ўз она тилига, митти бўлса ҳам ягона Доғистонга чексиз муҳаббати бирлаштириб туради. Китобда юзлаб, минглаб ёмби фикрларни, хикматларни учратиш мумкин. Муаллиф аждодлар, замондошлар тажрибасига таянади. Ҳар қандай сиёсатнинг игна кўзидек тешигидан ҳам “туя”ни бемалол ўткази олади. Мана буни маҳорат деса бўлади”.

Биз сеvimли шоиримиз таъкидлаган китобдаги ёмби фикрларни, хикматларни ўқувчилар ёди-га олиши учун айримларини мисол келтирамиз: “Одам тилга кириши учун икки йил кифоя, лекин тилини тийиб туришни ўрганиши учун олтимиш йил керак бўлади”, “Ўтмишга тўппончадан ўқ узсанг, келажак сени тўпга тутайди”, “Биз Ватанни танламаймиз, чунки Ватан бизни аллақачон танлаб бўлган”, “Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу шарафли вазифани зиммасига олишга ўзини тайёрлаши керак”, “Кичкина оғиз ҳам катта гапларни айтиши мумкин”, “Одам фақат атама эмас – унвон, унвон бўлганда ҳам жуда юксак унвон. Бу юксак унвонга муносиб бўлиш учун бир умр интилиш керак”...

Шоирнинг “Тоғлик қиз” драмаси Жиззах театрида сахналаштирилган, бу сахна асари Ўзбекистон радиоси ижодкорлари томонидан ёзиб олинган. Шеърларини Ботир Зокиров, Шерали Жўраев каби таникли хонандаларимиз кўшиқ қилиб куйлашган. Шу боис юртимизда Расул оғанинг асарлари кириб бормаган бирор хонадон йўқ десак, айна ҳақиқатни таъкидлаймиз.

Қандай қилиб, 1923 йил 8 сентябрь кунини Доғистоннинг Хунзах туманидаги етмиш хонадондан иборат тоғлар орасидаги кичкинагина Цада овулида туғилган Расул Ҳамзатов ўз халқининг, ўзбек халқининг, дунё халқларининг сеvimли шоири бўлди? Бу саволга Расул оғани авар халқининг буюк шоирларидан бири бўлган отаси Ҳамзат Цадаси каби ўз эътиқодига бир умр собит қолган ҳолда она тилини, миллатини, халқини, қадрияларини, Доғистонини сеvimгани ва уларни асарларида осмон қадар улуғлагани, адабиётга садоқат билан хизмат қилгани учун дея жавоб берсак, унинг беназир ижодига эҳтиромимизни бир қадар ифода қилган бўламиз. Бағрикенг шоир барча халқларнинг урф-одатларини хурмат қиларди, кўплаб миллатларнинг намоёндалари билан қалин дўст эди. Шоир ўзгаларни хурмат қиларди, ўзгалар ҳам уни эъзозлашарди. Эндиликда ҳамма Расул Ҳамзатов деганда Доғистонни, Доғистон деганда Расул Ҳамзатовни кўз олдида келтиради.

Расул оғани юртимизга мамнуният билан келарди ва албатта хар гал халқимизга чексиз хурматини изхор қиларди: “Ўзбек халқига ҳавасим келади. Сизлар буюк шоир Алишер Навоийнинг ворисларисиз, улуғ миллатнинг фарзандларисиз, катта тилининг эгаларисиз. Бу билан фахрланишингиз, халқингиз, тилингиз камолига хизмат қилишдан чарчамаслигингиз керак”.

1968 йили Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги тантаналари муносабати билан Тошкентга келган шоирнинг ундан интервью олоқчи бўлган журналист ўртасидаги сўхбатни хануз зиёлиларимиз тез-тез хайрат

билан тилга олишади.

“Тошкент” ресторанида ижодкор дўстлари билан кечки тановулни бошлаган Расул оғани олди-га журналист ховлиқиб келиб дейди:

– Ассалому алайкум, Расул Ҳамзатович! Агар сиз менга ҳозир Навоий ҳақида интервью бермасангиз ва бу интервью эртага газетамизда чикмаса, бош муҳаррир мени ишдан хайдайди.

Расул оғани вазинм ундан сўрайди:

– Айт-чи биродар, мусулмонмисан?

– Алҳамдулилло, мусулмонман.

– Алҳамдулилло, мен ҳам мусулмонман.

Ўзинг айт, мусулмон киши таҳорат олмасдан намоз ўқиши мумкинми?

– Йўқ.

– Мен ҳозиргина муқаддас китобимиз тақиқлаган мана бу савилдан хўплаб кўйдим, таҳоратим бузилди. Ул зотнинг номини таҳорат олмасдан тилга ололмаيمان, эрталаб кел, таҳорат олиб сени кутиб тураман. Ўшанда интервью оласан.

Бу сўзларни XX асрнинг буюк шоири дея эътироф этилган Расул Ҳамзатов айтаяпти! Зар қадрини заргар билади, шоир қадрини шоир билади, дея бежиз айтилмаган. Ҳа, шеърят султони бўлган Ҳазрат Алишер Навоийни эъзозлашни нафақат ўзимиз, балки жумлайи жаҳон Расул Ҳамзатовдан ўрганиши керак. Афсуски, ўша мустабид тузум даврида бу сўхбатни, яъни ибратли интервьюни ёзиб бўлмасди. Орадан қирк йил ўтиб бу сўхбат тафсилотини ўша воқеага гувоҳ бўлган сеvimли адибимиз Ўткир Ҳошимов ўз эсдаликларидея ёзди.

Чирчиқ шаҳрида кўшиғига ёдгорлик қўйилганини эшитган Расул оғани мисоли қанот боғлаб Ўзбекистонга учиб келади ва биринчи навбатда ёдгорликни зиёрат қилишга ошиқади. (Умуман олганда, Расул оғани Ўзбекистонга келганда, албатта, “Турналар” ёдгорлиги зиёратига борарди). Шоир ёдгорликни кўргач, хайратланиб хамроҳларига баралла: “Қўшиққа маданиятли ва санъатсевар халқгина хайкал қўяди. Ўзбек халқи ана шундай маданиятли ва санъатсевар халқ”, дейди. Расул оғани бу сўзларини нуфузли давраларда ва катта анжуманларда ҳам кўп бор хаяжон билан такрорлайди. Шоир сўзларидан бошқа халқлар ибрат олишиб, ўзларида “Турналар” кўшиғига ёдгорлик ўрнатиш ишларини бошлаб юборишади. Шу тариқа дунёнинг 180 дан ортиқ манзилида “Турналар” кўшиғига ёдгорлик бунёд қилинди ва бундай хайрли иш давом этмоқда. Агар чирчиқликлар юқорида эсланган мақола муаллифи таклиф қилгандай ўзларининг “Турналар” ёдгорлигига уйғун равишда Расул Ҳамзатовга хайкал қўйишса, яна бир ибратли ишни амалга оширишарди. Ишончим комил, чирчиқликлардан ибрат олишиб ўзларидея “Турналар” кўшиғига ёдгорлик тиклаган халқлар ҳам ёдгорликларига уйғун равишда Расул Ҳамзатовга хайкал қўйиш тараддудига тушишарди.

Чирчиқликлар бу хайрли ишни дунё халқлари Расул Ҳамзатов таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга тайёрларик кўраётган шу кунларда амалга оширишса айна муддао бўларди. Бу ёдгорлик ўзбек тили ва миллатини, Ҳазрат Навоийни, юртимиз намоёндаларини, Ўзбекистонни чексиз эъзозлаган Расул Ҳамзатовга халқимизнинг хурмати сифатида салобат тўкиб турарди. Ёдгорликка зиёратга келганлар шоирнинг шу қутлуғ масканда айтган ҳароратли сўзларини қайта-қайта ёдга олишарди: “Қўшиққа маданиятли ва санъатсевар халқгина хайкал қўяди. Ўзбек халқи ана шундай маданиятли ва санъатсевар халқ”.

Асрор МҶМИН,
шоир ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат
қўрсатган журналист



Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1008
Адади: 2050.

Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига “Шарқ”
нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

Журналист Қурбон Эшматов билан деярли тенгдош эдик. Бир-биримизга “сен”лаб мурожаат қилардик. У билан илк танишувимизок қизик кечган.

“Ёш ленинчи” (“Туркистон”, хозирги “Ёшлар овози”)газетасида атиги уч кунгина ишлаганим, хатлар бўлимига газетанинг мусахҳиҳи Қурбон кириб келди. (У анчадан бери ишлар, шунгами ўзига яраша ўрни бор эди). Менга қараб, дабдурустдан: “Хой бола, кимнинг эркатойисан, тўғридан-тўғри бўлимда иш бошлаяпсан? Кўзимнинг нурини тўкиб хозиргача саҳифа ўқияпман (ўша вақтда газета ҳафтада 5 марта чиқар, адади ҳам ярим миллиондан ортиқ эди), деди жиддий қиёфада. Орадан ҳеч қанча ўтмай, Қурбонга “маоши кўпроқ, юмуши камроқ иш топганимни айтиб, менинг ўрнимга ўтиб ишлайвер”, дедим. У эса: “Шу ерда ишлайвер жўра, кетсангхафа бўламан, “просто” сен билан ҳазиллашганим”, – деди.



ҚУРБОН ЭШМАТ КИМ ЭДИ?

ёхуд “одамийлик қонуни”нинг асосчиси, таниқли журналист, “Жасорат” медали соҳиби ҳақида сўз

Қурбон Эшмат кўп ўтмай бўлимга ўтди. Қалами анча ўткирлашди, катта-катта мақолалар ёзиб, элга танила борди. Айниқса, ҳуқуқий мавзуда ёзган мақолалари газетхонларнинг эътиборига тушиб, унга арзи ҳол қилувчилар сони кундан-кунга орта бошлади. Ҳуқуқ мавзусида дадил ёза оладиган камсонли журналистлар қаторидан жой олди. “Халқ сўзи” газетасига ўтиб ишлаганида мухлислари янада ортиб борди. Ишлари шу даражада кўпайдики, уни хизмат хонасидан топиш амримахол бўлиб қолди. Судма-суд, прокуратарама-прокуратура юрарди. Қанча-қанча одамлар таҳририят биноси тагида уни кунлар кутиб ўтиришарди. Билганлар “Эшматовнинг одамлари” деб қўйишарди, кулиб.

Иши тигизлигини кўпчилик яхши биларди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид “Қурбон Эшмат келмади” шеърини бежиз ёзмаган.

У қаттиқ ишлади, ҳаловатидан кечиб ишлади. Унга ҳавас қилганлар кўп бўлди, ҳасад қилганлар ҳам топиларди. Бирок жўрамиз ҳақ йўлдан қайтмади. Ўнлаб-юзлаб айбисизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиб, матбуотда бонг урди. Кези келганда, прокурору судьялар билан қаттиқ тортишди. Оддий фуқарони худди қариндошини ҳимоя қилгандай елиб-югурди. Аксарият судларда ютиб чиққанидан ҳам хабарим бор. Қурбон Эшмат умрининг охиригача ана шу эзгу йўлдан борди. Унинг энг сўнгги мақоласи “Жамият” газетасида “На оқланди, на камалди” сарлавҳаси остида эълон қилинганди. Унда милиция ходимининг ноҳақ ишдан олингани, бугунги кунда вазият ўзгаргани, ҳалиям уни ишга тиклаш кераклиги ҳақида куюниб ёзганди.

Қурбон Эшмат қатъиятли, жасоратли журналист эди. У 1999 йил пойтахтимизда рўй берган февраль воқеалари ҳусусида “Халқ сўзи” газетасида туркум мақолалар эълон қилди. Ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам қалам тебратди. Унинг меҳнатлари бесамар кетмади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, “Жасорат” медали билан тақдирланган эди. (Ўшанда Юртбоши “бу медални фақат милисаю ҳарбийларга беравермайлик, журналистлар ичида

ҳам муносиблари бор”, деганларида у ҳам мукофотга лойиқ топилган эди. Бирок ўшандан бери бошқа бирор журналист бу эътирофга сазовор бўлмади.)

У қўли очик инсон бўлиб, дўстликни ғоят кадрлар, гап-гаштакларнинг, катта-кичик давраларнинг гули эди. Қурбон ёр-дўстларига садоқатли ҳабиб, оқибатли маҳбуб эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Анвар Абдувалиев, Аҳрор Аҳмад, Норқобил Жалил, зукко шоир, журналист-ҳуқуқшунос Сирожиддин Рауф, хоразмлик ёшулли, истеъдодли журналист Рўзимбой Ҳасан сингари тенгқурлар биргалишиб қолсак, кун қандай ўтганини билмай қолардик. Мусахҳиҳликдан бирга чиққан Сувонқул Рустамов бевақт вафот этганида кўп куйинган эди. Шунгами эскилардан қолган бир гап бежиз эмас экан – “ўлганга қаттиқ куйинма...”

Ҳамкасбларимизнинг ҳазил-мутуйибасига кўра, Қурбон билан боғлиқ қизик воқеалар бир дунё. Улардан бирига қараганда, Қурбон ҳарбий хизматга янги борганда қисмдаги миллати хоҳол бўлган аскарлар сардори ҳаммани бир сафга тизиб қўйиб, фамилиясини бирма-бир сўраб, кейин дўшпослар экан. Фамилияси украин миллатига мансуб бўлган аскарларга индамасдан ўтиб кетармиш. Навбат Қурбонга келганда, у ўзини “Эшматенко”, деб таништириб, қалтақдан кутулиб қолган экан...

Ҳа, Қурбон иштирок этган давра нурга тўларди, файзиёб бўларди. Унинг ажойиб хислати, савт-сумбати ўзгача эди. Хокисор инсон, вафодор дўст, яхши ҳамсуҳбат бўлганлиги сабаб ҳар соҳада ошна-оғайнилари бисёр эди. Ҳамкасблар орасида саҳийлик, танглик бобида унга тенг келадигани йўқ, десам муболаға бўлмас. Бировнинг орқасидан гапирмасди, ғийбат унга ёт эди, хусусатни ёқтирмасди, одам ажратмасди. Ҳаммага бир хил муносабатда бўларди. “Дўст сафарда билинади”, – дейдилар. У билан йўлда ҳамроҳ бўлган одам умуман зерикмасди. Гуруннга чечан, кези келганда, ҳазил-мутуйиба, ҳангомани ҳам қотирарди. У билан эса қоладиган қизикарли ҳолатлар кўп бўлган.

Қандайдир юмуш билан журналист Исмат Хушевнинг машинасида Қашқадарёда сафарда бўлдик. Ишларимиз битгач, “Тахтакорача” довони орқали пойтахт томон йўлга тушдик. Гурунг ки-

зигандан қизиди. Шу орада Исмат билан гапимиз қочиб, тортишиб қолдик, тортишувимиз даханаки жангга айланди. Исмат жahl устида довонда машинасини тўхтатгач, зудлик билан “Нексия”дан тушиб қолдим. Йўловчи машиналарга қўл кўтаравериб, чарчадим. Ҳеч бир хайдовчи довонда тўхташни истамасди. Орадан ярим соат вақт ўтмай, улканхарсангтошнинг орқасидан кимдир бир кучоқгул кўтариб келяпти. Қарасам, Қурбон экан. “Азамат жўра, хафа бўлма, Исматнинг феълини яхши биласан-ку, у билан тортишишдан фойда йўқ. Мен уни кўндирдим. Тошкентга бирга кетамиз”, – деб машинага ўтказди. Қўлидаги гулни менга бериб, хотинингга совға қиласан, деди.

Қайсидир йили дам олиш куни Қурбон уйда бўлса керак, деб унинг уйига Аҳрор ва Исмат билан бордим. Кимнингдир юмуши билан қаёққадир кетган экан. Рафиқаси Мавлудахоним уйда экан, залда ўтириб турунлар, хўжайин ҳализамон келиб қолади, деб столга таклиф қилди. Қурбон эски кадрдонимиз эмасми, ҳеч тортинмасдан ўтирдик. Келин столга ул-бул нарсалар қўйди. Исматнинг кўзи шкафтаги 0,75 литрли Америкада ишлаб чиқарилган коньякка тушиб қолди. Қурбоннинг бир жаҳлини чиқарайлик, деб коньякни бир амаллаб очиб, ҳаммамизга қуйди. Орадан кўп ўтмай, Қурбон кириб келди. Кучоқлашиб кўришдик. Яхши келибсизлар оғайнилар, шу коньякни қандай йўқотсам, деб турувдим. Сизлар билан баҳам кўриш насиб қилган экан, деб хурсанд бўлди. Сухбатимиз алламаҳалгача давом этганди ўшанда...

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қайсидир йили таҳририят яқинидаги емакхоналарнинг бирига кириб ўтиргандик. Биздан икки стол нарида қайсидир таҳририятнинг икки ходими ҳам мастава ичиб ўтирган экан. Уларнинг овқатланиб кетмасидан олдин Қурбон официантни имлаб чақириб, “счёт”ни сўраб олди-да, “Улар камхаржроқ, ой-

лик маоши паст, ижарада яшайди”, – деб пулини ёнидан тўлаб қўйди.

Бир куни Қурбон ишхонасига кетаётди, “Матбуотчилар уйи” ёнида шоира Кавсар Турдиевани учратиб қолади. Шоира билан сўрашиб, қўлтиғидаги икки тўплам қоғоздан бирини совға қилади ва “Кавсархон, ҳар шеър ёзганингизда мени эслаб турасиз”, – деб лифтга кириб кетади. Қурбоннинг саховатпешалигини барча дўст-салафлари яхши эслашади.

У бировга ваъда бердими, сўзининг устидан чиқиши учун жон-жаҳди билан киришарди, ишини охирига етказмасдан қўймасди. Ўзгаларнинг қувончига шерик бўлишдан яхши нарса йўқ, дерди раҳматлик. Ҳақталаб қахрамонининг иши битмагунча кўнгли жойига тушмасди.

Ҳуқуқий мавзуда қалам тебратадиган журналистлар республикамизда санокли. Бу шубҳасиз, журналистдан нафақат ҳуқуқий маҳорат, кучли масъулият ҳам талаб этади. Қурбон Эшмат ҳуқуқий мавзуларда қалам тебратадиган таниқли устоз журналистлар – Сафар Остонов, Ҳабибулла Олимжонов, Шохрух Акбаровларнинг сафидан муносиб жой олди. У ўз фаолияти давомида ана шу залварли мавзунинг масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда баракали ижод қилди.

У одамгарчилик, деган қонунга амал қилмаяпсизлар, деб судьялар билан тортишиб қоларди. Судьялар унинг жонкуярлиги, кўнгли тозалиги, ҳалоллигини билиб, баъзида у билан дўстлашиб ҳам қолишарди. Ҳуқуқий мавзуда ижод қилиш нафақат ҳуқуқий саводхонликни, балки юриспруденция соҳасидан ҳам бохабар бўлишни талаб этади. Қурбоннинг бу соҳада малакаси етарли эди...

Қурбон Эшмат ёшлар газетасидан сўнг кўп йиллар “Халқ сўзи” газетасида ишлади. Ундан кейин умрининг охиригача “Фермер” журнали бош муҳаррири ўринбосари лавозимида самарали фаолият кўрсатди.

Қурбон Эшматов хонадони серфарзанд оила эди. Қурбон келинимиз Мавлудахон билан 6 нафар – 4 қиз, 2 ўғилни тарбиялаб, эл қорига ярайдиган инсонлар сафига қўшди.

Баъзида ёру биродарлар билан бир пиёла устида гурунглашиб турадим. Қурбоннинг ўрни шундай билинадики, беихтиёр кўнгиллар ўртаниб кетади. Баъзида бу бевафо дунёнинг ишларидан хафа бўлиб кетасан, киши. Бундан икки ойча олдин бир ижодкор дўстимиз хориж сафаридан қайтганди. Шу баҳонада иш вақти тугагач, пойтахтдаги емакхоналарнинг бирида тўпландик. Шунда Қурбонни ёдга олиб, ҳаммамиз бир-бир йиғлаб олдик. Унинг ўрнини ҳеч ким боса олмайдиган беназир характердаги инсон эди. Уни эслашимиз билан кўркем қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланаверади.

Ҳа, яхши инсонларни ширин хотиралар билан эслаймиз. У садоқатли дўст-салафлар орттирди, умри фақат яхшилик билан ўтди. Ундан бир умр ёдда қоларли хуш эсдаликлар, долзарб мақолалар, ички кечинмалар, турли йиллар хотиралари жамланган “Қадрдон қайрағоч” номли каттагина китоб (афсуски, уни кўриш муаллифга насиб этмади) қолди.

Тупроғинг энгил бўлсин, қадрдон дўстим!

Азамат СУЮНОВ,
журналист